



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 20 апрель, № 77 (5244)

Чоршанба

## ПРЕЗИДЕНТ ПЕКИНГА ЖЎНАБ КЕТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 19 апрель куни давлат ташрифи билан Пекин шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА).

## ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ХУ ЦЗИНЬТАО УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 19 апрель куни давлат ташрифи билан Пекинга келди.



Пекин, 19 апрель. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Пекин марказидаги Халқ вакиллари мажлислар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида учрашув бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Хитойни бой тарих ва маданиятга, улкан салоҳиятга эга бўлган давлат, ишончли ҳамкор ва қўшни деб билиши, ушбу музокара ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари Хитойнинг яқин дўсти экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига қўшган улкан ҳиссаси юксак қадрланиши таъкидланди. Ушбу учрашув томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият экани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокара якунида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, конларни ўзлаштиришга оид ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА). Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да: "давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш... сиёсий модернизация жараёнида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим", дея таъкидланди.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ

### ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш зарурати

Телекоммуникация хизматлари соҳасини ривожлантириш учун унга бозор механизмларини жорий қилишнинг жаддаллаштириш зарур. Бу эса, ўз навбатида, рақобатнинг қулайлиги, инвестицияларни жалб этиш имкониятларининг кенгайишига, пировард натижада фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Эшитириш, медиамаксусуллар сифатини ошириш ОАВнинг замонавий технологиялар, хусусан, "рақамли телевидение", "мобиль телевидение", "Интернет-телевидение" ва бошқа технологияларни татбиқ этишга ташкилий ва технология тейёрлиги доимий таъминланишини талаб қилади. Ахборот-ком-

муникация технологиялари ва кенг доирали алоқа тизимларини жаддал ривожлантириш Ўзбекистон телерадиоэшиштириш соҳасига янги технологияларнинг босқичма-босқич ўзлаштирилиши ва татбиқ этилишини тақозо қилади.

Муаммонинг техник жиҳатдан ҳал этилиши, ахборот-коммуникация технологиялари энг янги ютуқларининг жаддал жорий қилиниши ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация тизимлари такомиллашувини, замонавий оммавий коммуникация воситаларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий механизмлар мукамаллигини тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).

"Ўзфармасаноат" давлат-акциядорлик концерни тизимида Швейцария инвестицияси асосида импорт ўрнини босувчи дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик мажмуа қурилиши бошланди. Бўстонлик туманида мазкур "Ival Phatmark" хорижий корхонаси пойдеворини қўйиш маросими бўлиб ўтди.

## ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ЯНГИ ЙИРИК КОРХОНА

### швейцариялик инвесторлар иштирокида барпо этилмоқда

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ишчи-хизматчилар натижа-сида барча соҳаларда жаддал ўсиш суръатларига эришилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳам буни яна бир қарра тасдиқлайди.

### Ҳамкорлик

Мутахассисларнинг эътирофи билан ташаббус билан татбиқ этилаётган ҳаётий дастурларнинг ижроси, қулай инвестициявий муҳит мавжудлиги юртимиз тараққиётида янги ёрқин саҳифалар очмоқда. Бундай

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВЛАРДА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ МАҚСАД

Пойтахтимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилишнинг асосий тамойили ҳамда вазифаларига бағишланган давра сўхбати ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, ўзини ўзи бошқариш органлари, "Маҳалла" жағмармаси вакиллари, шунингдек, тадқиқотчи олимлар қатнашган тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш, улкан яратувчанлик салоҳиятига эга бўлган ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бўлиши сифатида ролини қучайтиришга қаратилган тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида маҳалланинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бугун маҳалла давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона ҳамда ташкилотлар билан ҳамназорликда бўлиши, пенсионерларни, ногиронларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мунтазам ўтказиб келинаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови эса маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсонаси сифатида аҳамиятини мустаҳкамлаб, унинг фуқаролар ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини оқсальтиришдаги ролини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, жорий йил май — июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари сайлов бўлиб ўтади. Бу жараён демократия тамойилларини ўзда муҳасам этанлиги, қолаверса, фуқаролик жамиятининг ажралмас қисмига айланганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

— Ушбу сайловлар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий

ва социал-иқтисодий шароитда ўтади, — дейди "Маҳалла" ҳайрия жағмармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р. Шералиев. — Аввало, бўлажак сайловлар Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган вазифаларни рўйб-рўй чиқарилаётган бир даврда бўлиб ўтаётганини айтиш зарур. Зотан, унда аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш фуқароларнинг жамият ва давлат иш-

ларини бевосита бошқаришда қатнашиш каби ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксальтиришга қаратилган гоят муҳим ижтимоий-сиёсий жараён, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Б. Машарипова.

— Шу боисдан фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларини демократиянинг умумэтироф этилган тамойили ва стандартлари, миллий қонунчилигимизда белгиланган тартиб-таомиллар асосида демократизм, тенг сайлов ҳуқуқи асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, бунинг учун мамлакатимизда тегишли ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилган.

Давра сўхбатида, шунингдек, фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

### иқтисодиётимиз ривожидан муҳим аҳамиятга эга



Президентимизнинг "Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган Иновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси якунланди.

Илм аҳлининг алоҳида эътирофи билан, ноёб иқтисодий, иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу мезон билан ўлчанганда, ҳеч иккиланмасдан, юртимизга иштиролар ўлкаси, дея таъриф беришга тўла ҳақлимиз. Негаки, мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида фан

ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, интеллектуал мулк муаллифлари моддий ва маънавий рағбатлантириб келинмоқда. Бу эса уларни эртанги кунимизни бугунгидан-да нурафшон бўлишига хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратишга ундаётди.

Дарҳақиқат, эътибор, имтиёз ва рағбатдан куч олаётган олимларимиз томонидан ҳар йили юзлаб ил-

мий махсулотлар ишлаб чиқаришга тавсия этилаётди. Жорий йилнинг 13-15 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Иновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркасида 600 га яқин иновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илгор гоялар тақдим этилгани бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Хусусан, Қўмита томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали чоралар қабул

### Тадбир

қилиш, иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш ҳамда уларни тугатиш бўйича қатъий чоралар кўриш, жумладан, уларни тижорат банкларига ва салоҳиятли инвесторларга сотиш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама фаолиятини тартибга солиш борасида қатор ижо-

бий ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Хисобот даврида 800 га яқин корхоналарда таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш дастурлари амалга оширилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришилди. Шундан 85 фоиз корхонада махсулот тайёрлаш ва сотиш ҳажмлари ошгани кузатилади, 10 фоизда эса реконструкциялаш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Улар томонидан 750 млрд. сўмдан ортиқ ҳажмда махсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

# ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИНING ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— ёш тадбиркорларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қўмақлашиш, илмий фаолиятга ёшларни фаол жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини амалга оширишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш;

— нодавлат ОАВнинг демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган давлат ва жамият куралининг устувор вазифаларини ҳал этишдаги фаол иштирокини таъминлаш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш тизими ва масоҳат ёрдамларини ривожлантириш, шунингдек, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш масалаларида қўмақлашиш;

— кишлоқ жойларида аҳолини тадбиркорлик фао-

лиятга кенг жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— журналистларнинг касб маҳорати ва ижодий фаолигини ошириш, нодавлат ОАВнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашдаги фаолиятини рағбатлантириш;

— кенг аҳоли қатламларининг тадбиркорлик фаолиятини асосларидан бохабарлигини ошириш;

— ўрта синф мулкдорларини шакллантириш масалаларини ҳал этишда ННТлар фаолигини ошириш ва уларни мамлакат тараққиёти йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш.

Кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 2011 йилда Парламент комиссияси томонидан 5 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган.

Кейинги уч йил давомида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат

фонди томонидан 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жумладан, фақат 2010 йил давомида Парламент комиссияси томонидан институтларнинг 500 дан орტიқ лойиҳалари қўриб чиқилиб, умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар молиялаштирилди, турли йўналишлар бўйича республика миқёсида 5 та грант танловини ўтказилди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, турли нуфузли халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, БМТ ТД, ЕИ, ЕХТТ ва бошқалар) ҳамда етакчи олимлар ва экспертлар томонидан Парламент комиссиясининг шаклланиши ва фаолиятининг ташкил этилиши фуқаролик институтларининг мустақил тараққиётини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилашда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидаги энг муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

**Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш мушкул. Жамиятнинг барча жабҳалари билан узвий боғланиб кетган ушбу тармоқнинг турмушимиздаги ўрни тобора юксалиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.**



## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислохот этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганининг боиси ҳам шунда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бу борада юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва унинг жойлардаги самарасига бағишланди. Жумладан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ва "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ғи қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида қайд этилгандек, парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этилуви ҳоқимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан катъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.

Мазкур оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ҳамда пойтахт сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги янгиликларни, олиб борилаётган илмий ислохотлар самараларини, улкан бунёдкорлик ишларини кенг ёритиш, аҳолини республика ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотлардан хабардор этишда фаоллик кўрсатаётди.

Тадбирда, шу билан бирга, давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари мавзусидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиш бўйича қандай қилиш зарурлиги аниқлаштирилди.

Илгиларида қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий

**XXI аср — интеллектуал мулк ахборот асри. Табiiйки, бундай шароитда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоялаш, бу борадаги қонунчиликни давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади.**

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ғи Қонун фан, адабиёт, санъат асарлари, ихролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали бериладиган кўрсатув ёхуд эшитиришлар (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларда салмоқли ўрин тутади. Бугунги кунда Фарғона вилоятида мазкур Қонун ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинаётди. Чунончи, вилоятда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар билан ҳимояланган кўпгина субъектлар фаолият юритаётган бўлиб, уларда юқорида номи зикр этилган Қонун талабларини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилган.

Айни пайтда назорат-таҳлил давомида мазкур субъектларнинг айримларида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни таъминлашда нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилгани кўрсатилди. Жумладан, жорий йилда 41 нафар фуқаро тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан аудио-видео кассета ва лазерли дискларни этказиб бериш билан шугуллангани аниқланди, улардан умумий қиймати 34,1 млн. сўмлик махсуслотлар контрафакт товарлар сифатида олиб қўйилди. Барча ҳолатлар бўйича айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Назорат-таҳлил натижаларига бағишланган қўмита йиғилишида депутатлар бундай камчиликларни бартараф этиш кераклигини, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишида бир қатор қонунчи ҳужжатларини қабул қилиш, жойларда тушунтириш ишларини кучайтириш лозимлигини алоҳида қайд этилди.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ

ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш зарурати

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари томонидан "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида"ғи қонунни қабул қилиш тақдирини илгари сурилди. Ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолиятнинг бир қисми ОАВга оид ахборот қонунларида ўз аҳсини топган. Телерадиоэшитиришнинг глобал ва умумий тарзда рақамли эшитиришлар (кўрсатувлар) ҳажми (формати)га ўтишни эътиборга олган ҳолда, тайёрланаётган қонунда соҳа ривожининг вужудга келтирилган аҳволларини акс этдириш лозим.

Мазкур қонун ҳужжатининг қабул қилиниши телерадиодастурларни тузиш ва тарқатиш соҳасидаги рақобатни янада кучайтириш, эшитиришлар (кўрсатувлар)нинг мобил ва рақамли телевидение каби янги истиқболли технологияларини жорий этиш, телесаноатнинг янги истиқболли секторларини шакллантириш учун шароит яратяди.

Қабул қилинаётган қонун миллий эшитиришлар (кўрсатувлар) тизимининг ҳуқуқий бошқарув воситаларини ва фаолиятининг мустақил иш юриши, молиялаштириш манбаларини эркинлиги каби тамойилларини белгилаш; эшитириш радиочастоталарини олиш учун танловнинг шаффоқлиги ва демократик тарзда ўтказилишини таъминлаш; тенг рақобат шароитларини яратиш ва электрон медиабозор секторларининг монополашувиغا йўл қўймастик сингари муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Телерадиоэшитириш соҳасида эришилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражасини қонунчиликда акс эттириш ҳамда "Рақамли телевидение", "Кабель телевидениеси", "Мобил телевидение" ва бошқа янги технологияларни соҳага татбиқ қилиш жараёнига оид "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида"ғи қонуннинг ишлаб чиқилиши қуйидаги афзалликларни яратиши мумкин:

- телерадиоэшитириш соҳасида эришилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш, эшитиришлар (кўрсатувлар) фаолиятига янги технологияларни жорий қилишга қўмақлашиш;
- давлат телевидениеси фаолияти самарадорлигини ошириш;
- телерадиоэшитириш соҳасида фаолият юритувчи нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоқларининг кенгайтирилиши;
- телерадио тизимида рақамли форматнинг умумий жорий этилишида эшитиришлар (кўрсатувлар) фаолиятининг ҳуқуқий бошқарилиши;
- телерадиотарқатув (шу жумладан, Интернетга) кўп дастурли, кенг доирали кириш ҳизматлари ва юқори аниқликдаги ви-

деоатасирлар ўтказилишини таъминлаш;

— энг юқори қаровли эшитиришда қўшимча интерактив хизматлар, телетрансляция сифат кўрсаткичларининг яхшилланиши;

— частота ресурси, эфир маконидан самарали ва оқилона фойдаланиш;

— ахборот соҳасидаги рақобатнинг кучайтирилиши ва ҳоқолазор.

Ахборот-коммуникация хизматларини фойдаланишда ҳар бир фуқарога тенг имкониятлар яратиш, миллий ахборот маконини ривожлантириш ва унинг муҳофазасини кучайтиришга йўналтирилган ҳуқуқий мевёрларни қиритиш лозим. Телекоммуникация тармоғи миллий ахборот маконининг асосини ташкил этади, ахборот ресурслари ва тизими ривожига алоҳида ўрин тутади.

Ахборот тизимларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро муносабатидан мувофиқланиш таъминлаш учун ахборот ресурслари, хизматлари ва технологиялари бозорини шакллантиришга қўмақлашиш зарур. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилишини рағбатлантириш эса бу борада муваффақиятлар қозонади. Қабул қилинаёган қонунга универсал телекоммуникация хизматлари сифати ва қўламини кенгайтириш, аҳолининг, шу жумладан, кишлоқ жойларда яшовчиларнинг телекоммуникация тармоқларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, миллий ахборот маконини ривожлантиришга ва ҳимоясини таъминлашга доир мевёрларни қиритиш мақсадида мувофиқдир. Мобил ва рақамли телевидение каби янги, истиқболли ахборот тарқатиш технологияларини кенг жорий қилиш керак. Техник воситаларни сертифицилаштириш ва стандартлаштириш жараёни ҳамда дастурий маҳсулотлардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқи оид ҳал этилган муаммолар ечимини таъминловчи мевёрлар ишлаб чиқилиши лозим.

Концепцияда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ғи қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшитириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган.

Мазкур дастур рақамли телерадиоэшитиришлар инфра-тузилмасини шакллантиришга, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жихатдан тартибга солишда самарали тизимни яратишга хизмат қилиш сабабли, қабул қилинаёган қонунда телекоммуникация тизимини иқтисодий жиҳатдан либераллаштиришга қаратилган мевёрлар ўз аҳсини топиши назарда тутилмоқда.

Қабул қилиниши қўллаётган қонуннинг асосий вазифаларини сифатида яна қуйидагилар эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

— фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш;

— ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқариш алоқа хизматлари, маълумотларни ўтказиш ва тақсимлашнинг замонавий бозорини такомиллаштириш.

Қонун лойиҳасининг энг муҳим тамойиллари ва унга қиритилган мевёр ҳамда қонунларнинг реализация қилиниши таъминлаш мақсадида қуйидагилар мўлжалланган:

- телекоммуникация соҳасининг технологик жиҳатдан ривожланиши ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қўлланилаётган тушунча аниқтарфи аниқлик қиритиш ва янги тарифларни жорий этиш;
- ахборотларни ҳужжатлаштириш тартибини уйғунлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ахборот тизимини ташкил қилиш ҳисобига давлат ва ҳужжали бошқаруви органларининг фойдаланишида бўлган, шунингдек, қўрилаётган телекоммуникация тармоқлари ҳолатини сифат жиҳатидан яхшилаш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сиёсий модернизация жараёнида тўбора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қиритишда, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролинини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга қичаришга ёрдам беради.

Тараққиётимиз концепциясида айланган мазкур ҳужжатда, бундан ташқари, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ғи қонун қабул қилиш зарурлиги ҳам асослаб берилди. Ундан қўланган мақсад ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Айтиш жоизки, текзор ахборот асрида кучли ҳуқуқий ҳимоя механизминини яратиш, мазкур жараёнда ривожланган давлатлар тақрибасига таянган ҳолда, ОАВнинг иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишнинг кафолатлашга, уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар зарур. "Етти улчаб, бир кес", деганларидек, бу борада жамоатчилик фикри, мутахассисларнинг тақлифлари асосида тегишли мевёрларни ишлаб чиқиш муваффақиятлар кафолатлидир.

**Фоғуржон МУҲАММODOV, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ЯНГИ ЙИРИК КОРХОНА

швейцариялик инвесторлар иштирокида барпо этилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

ютуқлар ҳажон молиявий-иқтисодий инқирози хали тўла чекинмаган мураккаб бир пайтда қўлга қиритилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу эса чет эллик ишбилармонларнинг ривожланишининг "ўзбек модели"га бўлган қизиқиши янада ошишига сабаб бўлаётди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда қўллаб қорғий инвесторлар ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлапти. Натижада ҳар йили юзлаб янги корхоналар иш бошламоқда, мавжудларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланапти. Бунинг фармацевтика саноати мисолида ҳам қўриш мумкин.

"Ўзфарсанот" ДАКдан маълум қилинишича, жорий йилдан ушбу 28 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда. "Ival Pharmapark" — шулардан бири. Умумий майдони 21 гектарни эгаллайдиган бу йирик корхонага 150 миллион АКШ доллари миқдорига инвестиция қиритилаяпти. Бундан ташқари, Швейцария сингари давлатлардан технологик линиялар олиб келиниб, замонавий фармацевтика мажмуаси яхши туширилди.

Бундан "Нега айни Ўзбекистонга инвестиция қиритилган?" дея сурашмоқда, — дейди "Ival Pharma AG" компанияси бош директори Эрнест Хартмут. — Очиғи, бу қарор-

лар ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ва экспорт салоҳияти юксалишига муносиб хисса қўйиши мумкин. Тадбир доирасида долзарб мавзудардаги илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилиши эса унга бўлган қизиқишни янада ошириши мумкин. Жумладан, ярмарка қатнашчилари "Инновация фаолиятини ривожлантиришда хусусий бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришнинг муҳим жиҳатлари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани, Жанубий Корея политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишнинг замонавий илмий-техник ечимлари" мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжумани, шунингдек, "Ўзбекистон инновация тадбиркорлик муаммолар ва истиқболлар" мавзусидаги давра суҳбатидан мамлакатимизда инновация иқтисодиётини шакллантиришга

ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ғи Қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибда ўрганиб чиқди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини қонуний кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, соҳадаги муносабатлар Конституциямиз, Фуқаролик, Жиноят кодекслари, шунингдек, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида", "Ихтиролар, фойдаланиш моделлари ва саноят намуналари тўғрисида", "Селекция ютуқлари тўғрисида"ғи каби бир қатор қонунлар билан тартибга солинмоқда. Қолаверса, Ўзбекистоннинг бу борада бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилгани юртимизда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишда умумэтироф этилган андозалар асосида иш олиб боришни таъминлаб келмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги мавзуда бўлган кўп та театар, шу жумладан, 1 та опера ва балет, 6 та драма, 1 та мусикали комедия, 13 та мусикали

драма, 4 та ёш томошабинлар, 1 та сатира, 10 та кўйиқор театри, 1 та театар студияси ҳамда 43 та хаваскорлик халқ театри жамоалари томошабинларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

Давра суҳбатидан сўзга чиққанлар соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, театрларда қўйилаётган спектакллар савияси ҳамда уларнинг ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод оғи ва тафаккурини юксалтиришдаги ўрни, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, театрларнинг бозор иқтисодиётига мослашувчанлик даражаси масалаларига тўхталиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, бу каби дарғоҳларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, мутахассислар тайёрлаш сифатида эътиборини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб эканлиги қайд этилди.

Тадбирда қўмитанинг тегишли тавсиялари қабул қилинди.

**Сайдон МАКСУМОВ.**

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уч кун давомида 100 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, тақрибаси-конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочилар томонидан яратилган ишланмалар билан яқиндан танишган мутахассислар уларни олимларимизнинг кўп йиллик изланишлари натижасида йиғилган марварид шодасига менгашмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, 1000 дан ортиқ ишланмалар орасидан саралаб, намойишга қўйилган ушбу ишланмалар ижтимоий-иқтисодий соҳанинг барча йўналишларини қамраб олган. Эътибор қилинг, инновацион махсуслотлар саноят, кишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари йўналишларда кенг жамоатчилик ҳўкмига ҳавола этилди.

Технологик қўрилмаларнинг қайси бири билан танишман, уларнинг барчаси соҳада самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда сарф-ҳарajatларни камайтириш ва табиий ресурсларни теҳшага қаратилган билан эътиборингизни тортиди. Бу илмий тадқиқот муассасалари билан саноят корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганидан далолатдир.

Чиндан ҳам, шундай. Кейинги йилларда йирик саноят корхоналарида инновацион марказлар, модернизация ва инновацион фаолият жамғармалари ташкил этилганлиги, улар фан ва амалиётнинг унганлигини таъминловчи мустаҳкам риштага айланб бораёпти. Сўнгги уч йилда бевосита 18 та йирик корхонада фаолият юритаётган шундай марказлар қўмитанинг умумий қиймати 9,55 миллиард сўмлик 242 та лойиҳа молиялаштирилгани бунга мисол бўла олади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ийлида ўтказилган Инновациялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, қўрғазмалар залида иқтисодиётимизнинг навқир соҳаси учун алоҳида бўлим фаолият кўрсатди. Унда кичик бизнес субъектлари учун 50 та инновацион лойиҳа тақдим этилди. Улар ихчамлиги, тежамкорлиги, қўл меҳнати улushi камлиги, самарадорлиги, энг муҳими, чинқиндисиш ишлаши билан соҳа вакиллариининг эътиборини тортиди.

Ярмаркага шу каби илғор ишланмалар қўйилгани босинг учун ҳар бири кун томонларнинг ўзаро келишуви ва битимларига бой ўтди. Яқинги қисим-қитобларга қараганда, умумий ҳимоят салкам 10 миллиард сўмлик қарийб 400 та шартнома ва ағлашув протоколлари имзоланди. Инновацион ишланмаларнинг амалиётга бундай кенг қўламда татбиқ этилиши импорт ўрнини босувчи махсуслот-

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

лар ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ва экспорт салоҳияти юксалишига муносиб хисса қўйиши мумкин. Тадбир доирасида долзарб мавзудардаги илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилиши эса унга бўлган қизиқишни янада ошириши мумкин. Жумладан, ярмарка қатнашчилари "Инновация фаолиятини ривожлантиришда хусусий бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришнинг муҳим жиҳатлари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани, Жанубий Корея политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишнинг замонавий илмий-техник ечимлари" мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжумани, шунингдек, "Ўзбекистон инновация тадбиркорлик муаммолар ва истиқболлар" мавзусидаги давра суҳбатидан мамлакатимизда инновация иқтисодиётини шакллантиришга

доир долзарб масалаларни муҳокама қилди.

Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси аниъанавий энг яхши лойиҳа танлови голибларини тақдирлаш билан яқунланди. Ҳолибир ярмарканинг барча йўналишларини ўз ичига олган 5 та асосий, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун энг яхши инновация лойиҳа" ва "Еш олимларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси" қўшимча номинациялари бўйича аниқландилар.

Ярмарка қўндалигини қузатиб, амин бўлдики, юртимиз олимлари томонидан яратилаётган инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор гоғлар нафақат сон, балки сифат жиҳатидан яхшиланиб бораёпти. Демак, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти юксалиб, янги гоғлар ҳазинаси тобора мустаҳкамланмоқда. Бу юртимиз иқтисодиётининг қўнда-қўн қурқуроб ривожланишига кафолат бор деганидир!

**Сайд РАҲМОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.**

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

лан биргаликда 37 та товар бозорига (шундан 24 таси хизматлар бозори) ўрганиш ишлари ўтказилди. Булар аҳолига баллонларда суюлтирилган газ етказиб бериш, уруқлик бўғдини тозалаш, қиритиш ва сотиш, минерал ўғитлар етказиб бериш, сертифицилаш ва метрология хизматлари ҳамда автобуслар ва юк ташувчи машиналар ишлаб чиқариш ва сотиш, мевса-саввот концентратлари ва шарбатлари, темир-бетон маҳсулотлари бозорларидир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини бажариш борасида Қўмита томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникациялари тармоқларига улаштиришда табиий монополия субъектларини томонидан яратилган шарт-шароитлар, уларни бирмунча соддалаштириш бўйича ўрганиш ишлари амалга оширилди. Ўрганиш натижаларига кўра, бу борада мавжуд муаммолар аниқланди, уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг тизимлигини таъминлаш, айниқса, ижтимоий асосий истеъмол товарлари нарқларининг муҳим истеъмолчиларни олдин олиш ва реклама фаолиятини соғлом рақобат асосида тартибга солиш мақсадида ўтказилган мониторинглар натижасида 1387 та ҳолатда қонунчилик талаблари бузиллиши аниқланди. Пировавдада истеъмолчилар томонидан қўрилган 145,0 млн. сўмлик зарар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, истеъмолчиларга қайтарилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қўмитанинг жорий йил иккинчи чорагида амалга оширилаётган тадбирлар режасида ишлаб чиқилди.

**Қўмита Матбуот хизмати.**



